

ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАРНИНГ ЯНГИЧА ДУНЁҚАРАШИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА АХБОРОТНИНГ ЎРНИ

Жалол Пулатов.

СамДУ таянч докторанти.

АННОТАТСИЯ

Ушбу мақолада ахборот тушунчаси ва унинг бугунги кунда тутган ўрни тўғрисида фикр юритилган. Тараққиётнинг янги босқичида эркин информатсион муҳитнинг яратилиши, инсонларнинг тафаккур даражасининг ошиб боришига хизмат қилаётганлиги илмий асосланган. Тарихан қисқа давр мобайнида ахборот соҳасини эркинлаштириш, цензурага йўл қўймаслик ҳамда ахборот эркинлигини оптималлаштиришга қаратилган чора тадбирларни кўламини кенгайтириш борасида қиллинаётган ва қилиниши керак бўлган ишлар тўғрисида фалсафий тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: ахборот, ахборот олиш ҳуқуқи, мулоқот, информатсион муҳит, ислоҳот.

АННОТАЦИЯ

В данной статье была рассмотрена концепция информации и ее роль на сегодняшний день. Показано, что на новом этапе развития создание свободной информационной среды способствует повышению уровня мышления людей. В течение исторически короткого периода философски обсуждался вопрос о предпринимаемых и необходимых мерах по либерализации информационной сферы, недопущению цензуры и расширению спектра мер, направленных на оптимизацию свободы информации.

Ключевые слова: информация, право на информацию, коммуникация, информационная среда, цензура, реформа.

ABSTRACT

This article discusses the concept of information and its role today. It is indicated that the creation of a free information environment at a new stage of development contributes to an increase in the level of thinking of people. In a historically short period of time, a philosophical observation has been made on the work that is being done and should be done to liberalize the information sector, prevent censorship and expand the scope of measures aimed at optimizing the freedom of information.

Key words: information, right to information, communication, information Environment, censorship, reform.

“Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган улуғ аждодларимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган беқиёс бойликларимиз бор. Ва ишонаман, худо хоҳласа ҳавас қилса арзийдиган буюк келажагимиз ҳам бўлади” (Ш.М.Мирзиёев)

Мамлакатимизда фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш бугунги куннинг ҳуқуқий демократик давлат қуриш моделининг асосий жиҳатларидан бири ҳисобланади. Жамиятимизда амалга оширилаётган ижтимоий соҳадаги демократик ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад ёшларнинг юксак маънавиятга эришувини таъминлаш, баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказиш, ижтимоий тараққиёт жараёнида ҳар томонлама камол топган инсонни шакллантириш ва уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар рўҳида тарбиялашдан иборат. Шу боис мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб юртимизда матбуот эркинлиги ва жамиятни ахборотлаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Ўтган йиллар мобайнида оммавий ахборот воситалари учун мукамал ҳуқуқий база яратилди. Ҳозирги шиддатли давр тезкор ахборот ва янгиликлар талқинига катта эҳтиёж уйғотди. Шундай мақсадни кўзлаган кўпмиллатли Ўзбекистон бир мақсад сари интилиш, ёшларнинг келажагини ўйлаш, фуқоролик жамиятини ривожлантиришда ёшларнинг ўрни ва уларда янгича дунёқарашни шакллантириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Бу ҳақда Мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев “Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган улуғ аждодларимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган беқиёс бойликларимиз бор. Ва ишонаман худо хоҳласа ҳавас қилса арзийдиган буюк келажагимиз ҳам бўлади”¹ – деб таъкидлайдилар. Шу нуқтаи назардан, маданиятли ёндашуви доирасида ахборотлашган жамиятда инсоннинг яшаш фаолияти усули сифатида, инсоният маданияти шаклланиши жараёнининг ташкил этувчиси сифатида қаралади. Ахборот ёндашуви доирасида эса унга ахборот талабини қондиришга қаратилган барча ахборот фаолияти билимлари мажмуаси сифатида қаралади.

Жамиятдаги ислоҳотлар биринчи навбатда ёшлар руҳияти, миллий қиёфасига таъсир этиши табиий эди. Одамзод ўз табиатиغا кўра шижоатли, ғайратли, куч-қувватга тўлган ҳаётга, чанқоқ бўлади. Ана шу фазилатларни тўғри йўлга солиш, тарбиялаш вазифаси жамият зиммасига тушади. Ижтимоий тараққиётда баркамол авлод тарбияси фақат жисмоний жиҳатдан чиниққан,

¹ Ш.М.Мирзиёев. Озод ва обод ватаннинг баркамол фарзлари // Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Т. 1. Т.: „Ўзбекистон“, 2018, 415-бет.

камол топган ёшларнигина эмас, шунингдек, шарқона ахлоқ-одоб ва умумбашарий маънавий кадрятлар асосида тарбия топган шахсни ҳам кўзда тутди.

Юртимизда ривожлантирилаётган эркин демократик давлат қоида ва талабларини халқимизнинг миллий-маънавий кадрятлари билан уйғун бирлаштириш ижтимоий тараққиётнинг белгиловчи тамойилига айланди. Бу ҳақда Ислом Каримов „Бугунги кунда катта умид, орзу мақсадлар билан, Ватаним тараққиётига ҳисса қўшаман, деб белини маҳкам боғлаб майдонга чиқаётган азму шижоатли ёшларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш барчамизнинг нафақат вазифамиз, балки бурчимизга айланиш керак“² – дея таъкидлайди.

Бугунги кунда демократик ва фуқаролик жамиятида яшаб фаолият кўрсатаётган ёшларнинг турмуш тарзи, ҳаёт кечириши, хушмуомала бўлиши, меҳнатга, касб-хунарга нисбатан фидойилик кўрсатиши замон талаб этадиган миллий маданиятнинг ахлоқий тарбия меъёрларига мос келишидан далолатдир. Ахлоқий ва миллий тарбия натижаси бўлган ёшларда янгича дунёқарашни шакллантириш ва ривожлантиришда жамият ва жамоатчилик, таълим-тарбия тизими, адабиёт ва санъат аҳли олдида улкан вазифалар мавжуд. Мулоқот – бу кишиларнинг ўзаро бевосита ёки билвосита учрашиши, кўришиши, қабул қилиш орқали ўрнатиладиган муносабатлари натижасида ахборотлар алмашадиган, олинган маълумотлар бўйича тегишли хулосалар чиқаришга асос бўладиган кўп қиррали жараён дир.³

Ваҳоланки, баркамол авлод тарбиясида ёшлар фазилатларининг миллий тараққиёти, унда биринчи ўринда маънавий-маърифий ва рухий жиҳатлар, муҳит, фаолият ва муносабатларнинг инсонийлашувида катта аҳамият касб этади.

Ёшларда янгича дунёқарашни шакллантириш, миллий руҳда тарбиялаш ва уларни олижаноб ҳис-туйғулар билан камол топтириб бориш маънавий баркамолликка етишишдаги биринчи қадам дир. Бундай ёш авлоддаги юксак маънавий фазилатлар қандайдир ғайритабиий кучлар ёки тақдирнинг инъоми эмас, у ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳалари, маънавий ворислик ва муайян давр, жамият таълим-тарбия тизимининг, оила ва муҳитнинг маҳсули дир. Ёшларда ахборот маданиятини юксалтириш жараёнида унинг барча ҳуқуқий, сиёсий, ахлоқий, маданий ва мафкуравий тасаввурлари ижтимоий тузум ва

² Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодат дир. - Тошкент: Ўзбекистон, 2015, - 235 б.

³ “Muloqot” arabcha soʻz boʻlib, oʻzbek tilida “uchrashish”, “Koʻrishish”, “qabul qilish” degan maʼnolarni anglatadi. Oʻzbek tilining izohli lugʻati. J.2. – T.: “Oʻzbekiston milliy ensiklopediyasi” davlat ilmiy nashriyoti, 2006. -B.636.

тизимларнинг таъсири туфайли шаклланиб ва ривожланиб боради. Маънавий-маърифий жиҳатдан камол топган ёшлар демократик ислохотларни истеъмомчисигина бўлиб қолмай, уларнинг фаол яратувчиси ва ҳимоячисига айланади. Шу боисдан, “ҳозирги кунда янгича тафаккурлаш, ижодий фикрлаш, юксак маънавиятли кишиларни ахборот маданияти доирасида тайёрлаш жамиятимиз олдида турган энг долзарб муаммолар туркумига киради. Биз келажаги буюк мустақил давлатни барпо этаётимиз. Шундай экан, мана шу олижаноб мақсадимизнинг моҳияти, унга эришишимиз йўллари нимадан иборат эканлигини ҳар бир фуқаронинг онгига, унинг қалбига сингдириб, тафаккурлаш маданиятини, бунёдкорлик фаолиятини такомиллаштиришимиз зарур”⁴. Инсон шахсининг камолоти учун фуқаролик жамияти зарур бўлиб, фақат фуқаролик жамиятидагина шахс ўзининг барча қобилиятларини тўла намоён эта олади. Демократик анъаналарнинг ривожланиш жараёни мамлакат иқтисодий салоҳияти, фуқаролар савиясининг юқорилиги ва уларнинг сиёсий фаоллиги билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, бугунги кунда Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнида ёшларда ахборот олиш учун фуқаролик масъулиятини шакллантириш масаласига эътибор янада кучайтирилмоқда. Ёшларни ахборотга бўлган муносабати жамият ҳаётида муҳим ўрин тутади, хусусан, улар турлича ижтимоий гуруҳлар манфаатларини ифодалайди, фуқароларнинг фаоллигини оширади, мамлакатда рўй бераётган турли демократик ўзгаришлар кўламини кенг ёйишда муҳим омил саналади, жамоатчилик назоратини юзага келтиради, ҳуқуқий онг ва маданиятни шакллантиради, ҳуқуқий давлатни барпо этиш ишига катта ҳисса қўшади.

Юқорида баён қилинган фикрлардан қуйидаги хулосаларга келамиз:

Биринчидан: глобаллашув даврида ахборот эркинлиги долзарб масаладир. Ахборотни қабул қилиш, қайта ишлаш ва унинг функцияларини тўғри тақсимлаш борасида қилинаётган ишларнинг салмоғини ошириш зарурдир.

Иккинчидан: ахборотлашган жамият тизимини кенгайтириш, ахборотдан фойдаланиш кўникмаларини ёшларнинг онгига амалий жараёнлар ёрдамида сингдиришга доир ижтимоий-фалсафий концепсиялар ишлаб чиқиш ҳар қачонгидан муҳим бўлмоқда.

Учинчидан: ахборот манбаларини топишда ўзаро мулоқот воситасидан фойдаланар эканмиз, бу борада ахборот етказувчи ва уни қабул қилувчида мустақил дунёқарашни шакллантириш фалсафий фанларнинг олдида турган вазифалардан биридир.

⁴ Рустамова М. Ёшларда янгича тафаккур маданиятини шакллантиришнинг фалсафий жиҳатлари. - Тошкент: Мехнат, 2000, - 10 б.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ходжиев Б., Мажидов И.У, Бекмурадов А.Ш. Ўқув жараёни ва ўқув услубий фаолиятни модернизациялаш ҳамда инноватцион таълим технологияларни жорий этиш Тошкент, “Фан”, 2009, – Б. 118.
2. Эшби Р. Массовая информация: стратегия и тактика потребления. –М.: Дело, 1993. –С.469.
3. Свитич Л.П Социальная информатиология. –М.: Алгоритм, 2000. –С.250.
- 4.Алиев Б., Меликулиев А. Ахборот хуружларидан хабардормисиз? Т.: “Маънавият”, 2015. – Б. 7-8.
5. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажак йўлида хизмат қилиш-енг олий саодатдир.- Т.; Ўзбекистон,2015
6. Яхшиликков Ж, Мухаммадиев Н. "Миллий гоё: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси". НМУИ, 2018.-Б. 684.